ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ УЧКЎПРИК ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ

ҚАРОРИ

20 19 yil "20" Декабрь № 377/82-5-сон

"Учкўприк туманининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрда қабул қилинган "2020 йил учун Ўзбекстон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги (ҚҲММБ, 10.12.2019 й., 03/19/589/4126-сон) ЎРҚ-589-сон Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ 2020 йилдан бошлаб, маҳаллий Кенгашларга маҳаллий бюджетларни бошқаришда эркинликлар берилиб, солиқлар ва йиғимлар бўйича ставкаларини белгилаш, маҳаллий бюджети ҳаражатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди. Мазкур Қонуннинг 18-моддасига ҳамда 2020 йил учун Учкўприк тумани бюджетини қабул қилиш мақсадида шунингдек, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги («Халқ сўзи», 1993 й., 183-сон; Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига мувофиқ Халқ депутатлари Учкўприк тумани Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг 2019 йил 16 декабрдаги "Фарғона вилояти 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги V-LI/-266-сон қарорига асосан Учкўприк тумани бюджетига Фарғона вилояти бюджетидан ажратилган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 61 млрд 2 млн 982,0 минг сўм миқдорида тасдиқланганлиги, туман бюджетининг айланма касса маблағи 766 млн 823,0 минг сўм миқдорда белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда:

а) қуйидаги солиқ турлари туман бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

цемент ва оҳактошдан ташқари, алоҳида норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

электр станцияларидан бошқа тўловчилар томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

айланмадан олинадиган солиқ.

б) қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда туман бюджетлари ўртасида тақсимланади:

юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг чакана сотуви учун акциз солиғи;

айрим товарларни чакана сотиш ҳуқуқини бериш учун йиғим;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

харид қилганлик учун ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш вақтида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғим.

Шу билан бирга, қонунга мувофиқ вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинган 50 фоиз миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда юридик шахслардан олинадиган фойда солиқлари туман ўртасида тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин.

в) мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкогол махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. Қонунга асосан туман бюджетининг ҳаражатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) тумандан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ ҳаражатлари

республика бюджетидан, тўртинчи гуруҳ ҳаражатлари тегишинча туман бюджетидан молиялаштирилади;

б) туман бюджетидан:

фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали тайинланадиган ижтимоий нафақалар;

давлат санитария-эпидемиология назорати туман маркази сақлаш ҳаражатлари молиялаштирилади.

4. 2020 йил учун туман бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Туман бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2020 йил учун туман бюджети заҳира жамғармаси ҳажми 1 млрд 746 млн 608 минг сўм миқдорида белгилансин.

Туман ҳокимлиги заҳира жамғармаси маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган ҳаражатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

7. Қонуннинг 20-моддаси ҳамда Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши қарорида маҳаллий бюджетнинг қўшимча шаклланган манбалари тегишинча вилоят ҳамда туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари таклифларига асосан, тегишли Кенгашлар қарорларига асосан ишлатилиши белгиланганлиги, бунда шаклланадиган қўшимча манбалардан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш назарда тутилганлиги инобатга олинсин.

8. Туман ҳокимлиги, туман молия бўлими:

ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар ҳаражатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни таъминласин, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

9. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимиятига ҳаражатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки ҳаражатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

10. Туман ҳокимлиги Қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини Кенгашга киритилишини таъминласин.

11. Туман ҳокимлиги бюджет даромадлари ва ҳаражатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун туман Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин.

12. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

13. Мазкур қарор “Янги Фарғона” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

14. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари” доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Учкўприк
тумани Кенгаши раиси **А.Махмудалиев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI UCHKO'PRIK TUMANI HOKIMLIGI
BAYON QISMI

Халқ депутатлари туман Кенгашининг
навбатдан ташқари LXXXII-сессияси
2019 йил "26" Декабрь даги
"377-XXIII"-сон қарорига
1-ИЛОВА

2020 йил учун Учкўприк тумани бўйича бюджет даромадларининг режа кўрсаткичлари

маҳаллий

№	Даромад турлари	минг.сўм
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	-
2	Корхоналар айланмасидан солиқ	7 491 000
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	17 977 500
4	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	2 092 000
5	Қўшилган қиймат солиғи	-
6	Акциз солиғи, жами	-
	шу жумладан:	-
	- ароқ	-
	- табиий вино	-
	- бошқа винолар	-
	- этилний спирт	-
	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	-
7	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	-
8	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4 084 000
9	Ер солиғи жами	5 302 000
	Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи	-
	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	5 302 000
10	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	-
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	2 189 000
12	Йиғимлар	-
13	Давлат божи	-
14	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари	2 000
15	Жарималар	-
16	Давлат унитар корхоналари дивиденд тушумлари	-
	Ж А М И	**39 137 500**
	Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумларидан тегишли равишда ўтказиб бериладиган даромад	**18 046 633**
	Алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво	11 585 268
	Мобиль алоқа хизмати	6 461 365
	ЖАМИ ДАРОМАД	**57 184 133**

Халқ депутатлари туман Кенгашининг
навбатдан ташқари LXXXII-сессияси
2019 йил "26" декабрь даги
"377-VI"-сон қарорига
2-ИЛОВА

Учкуприк тумани маҳаллий бюджетдан 2020 йилда ажратилиши кўзда тутилган маблағлар тўғрисида

МАЪЛУМОТ

минг.сўм

№	Бюджет ташкилотлари номи	2020 йил учун жами маблағ	2020 йил учун (41-11-100)	шундан		2020 йил учун (41-21-100)	шундан		2020 йил суғурта бадали (41-21-200)	4-гурух бошқа харажатлар
				база	индексация		база	индексация		
1	Мактабгача таълим бўлимини сақлаш харажатлари	893907	672495	628500	43995	166442	155553	10889	270	54700
2	Мактабгача таълим муассасаларини 4-гуруҳ харажатлари	10354135	0	0	0	0	0	0	0	10354135
3	Умумий ўрта таълим мактаблари 4-гуруҳ харажатлари	3055129	0	0	0	0	0	0	0	3055129
4	Халқ таълими бўлимлари	1764943	1309579	1223906	85673	323945	302753	21192	519	130900
5	"Баркамол авлод" болалар маркази	990763	727366	679781	47585	179925	168154	11771	288	83184
6	Соғликни сақлаш бўлимига қарашли бошқа муассаса ва тадбирлар	51044380	36397232	34016105	2381127	9012043	8422470	589573	15052	5620053
7	Санитария-эпидемиология станциялари	2186577	1752000	1637383	114617	433799	405420	28379	778	0
8	Маданият бўлими	148645	119121	111328	7793	29464	27536	1928	60	0
9	Маданият бўлими тизимидаги муассасалар ва тадбирлар	695232	463372	433058	30314	114710	107206	7504	476	116674
10	Ахборот кутубхона марказлари	415840	320958	299961	20997	79455	74257	5198	427	15000
11	Болалар мусиқа ва санъат мактаби	2460451	1971890	1842888	129002	487778	455867	31911	783	0
12	Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари	1662809	1223785	1143724	80061	302953	283134	19819	942	135129
13	Жисмоний тарбия ва спорт бўлими	121383	94469	88289	6180	23367	21838	1529	47	3500
14	Бандлик ва меҳнат муносабатлари бўлими	692066	531412	496647	34765	131443	122844	8599	266	28945
15	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими	812891	638925	597126	41799	158133	147788	10345	639	15194
16	Ирригация бўлими	1530434	1049587	980922	68665	261977	244838	17139	560	218310
17	Қишлоқ хўжалиги бўлими	505659	390800	365234	25566	96663	90339	6324	196	18000
18	Фермер хўжаликлари марказлашган ҳисобхона	571554	457034	427135	29899	114259	106784	7475	261	0
19	Ободонлаштириш бошқармалари	7721038	4407793	4119433	288360	1090575	1019229	71346	1595	2221075
	Шу жумладан, ички йўллар	0		0	0		0	0		
20	Молия бўлими	774350	604966	565389	39577	149636	139847	9789	303	19445
21	Пенсия жамғармаси ҳудудий бўлими	790149	622725	581985	40740	154029	143952	10077	312	13083
22	Ҳокимликларни сақлаш харажатлари	1998081	1475078	1378577	96501	364855	340987	23868	740	157408
23	Халқ қабулхоналарини сақлаш харажатлари	108753	60886	56903	3983	15060	14075	985	30	32777
24	Ҳудудий махалла фукаролар йиғинининг сақлаш харажатлари	4427241	3482632	3254796	227836	862199	805793	56406	1741	80669
25	ФҲДЁларни сақлаш харажатлари	121589	95983	89704	6279	23741	22188	1553	48	1817
26	Ижтимоий нафақа тўловлари	17672133	0	0	0	0	0	0	0	17672133
27	Ун ва нон сотиб олиш учун компенсация тўловлари	2628250	0	0	0	0	0	0	0	2628250
28	Ҳокимлик ижтимоий мослашиш маркази бўлимлари	85527	18908	17671	1237	4680	4374	306	9	61930
29	Халқ депутатлари Кенгаши котибияти	206598	153543	143498	10045	37978	35493	2485	77	15000
30	Ҳокимликларнинг заҳира жамғармалари	1746608	0	0	0	0	0	0	0	1746608
31		0		0	0		0	0		
	Жами	118187115	59042539	55179943	3862596	14619109	13662719	956390	26419	44499048